

РАВШАНОВ Ўқтамали Рустамович,

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
Тарих илмий бўлим мудири

ДЖУРАЕВ Шерали Гулямович,

Бухоро давлат педагогика институтини
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

ХАТТОТЛИК ФАЛСАФАСИ**ФИЛОСОФИЯ КАЛЛИГРАФИИ****PHILOSOPHY CALLIGRAPHY**

Аннотация: Мазкур мақолада Бухоро давлат музей-қўриқхонасида ташкил этилган “Хаттотлик ва ундаги фалсафа” кўргазмаси, унинг моҳияти, намоёни этилаётган экспонатлар ва уларнинг тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотлар келтирилади. Кўргазмадан ўрин олган китобат санъати намуналарининг фалсафий маънолари хат услублари ва хаттотларнинг фалсафий қарашлари орқали очиб берилади. Хаттотларнинг ижод намуналари бўлган кўпжаб экспонатлар алоҳида таҳлил қилинади. Шунингдек, қозғош тайёрлаш ва асосий хат турлари, уларнинг фойдаланиш соҳалари бўйича маълумот берилади.

Калим сўзлар: Бухоро музейи, хаттотлик, экспонат, хат, қўлёзма, қитъа, фалсафа, масжид, котиб, қозғош, муқова

Аннотация: В этой статье представлена ценная информация, связанная с выставкой «Каллиграфия и философия в ней», организованной в Бухарском Государственном музее-заповеднике, также отражена ее сущность, экспонаты, которые в ней представлены, и их история. Философский смысл представленных на выставке образцов книжного искусства раскрывается через стили письма и философские взгляды каллиграфов. Отдельно проанализированы многие экспонаты, являющиеся образцами творчества каллиграфов.

Также будет предоставлена информация о подготовке бумаги и основных типах писем, а также об областях их использования

Ключевые слова: Бухарский музей, каллиграфия, экспонат, письмо, рукопись, китъа – образец каллиграфии, философия, мечеть, писарь, бумага, обложка

Abstract: This article presents valuable information related to the exhibition «Calligraphy and Philosophy in it», organized in the Bukhara State Museum-Reserve, also reflects its essence, the exhibits that are presented in it, and their history. The philosophical meaning of the book art samples presented at the exhibition is revealed through the writing styles and philosophical views of the calligraphers. Many exhibits, which are examples of the work of calligraphers, are analyzed separately. Information will also be provided on the preparation of paper and the main types of letters, as well as on the areas of their use

Keywords: Bukhara Museum, calligraphy, exhibition, letter, manuscript, continent, philosophy, mosque, secretary, paper, cover

КИРИШ

**“Ал-Хатту нисфу-л-илм”
(Хат - бу илмнинг ярмидир).**

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ўзининг 100 йиллик тарихи давомида бир неча юзлаб мавзуй экспозиция ва кўргазмаларни яратиб келади. Шулардан бири Тарих илмий бўлими “Бухоронинг ёзма ёдгорликлари” экспозициясида вақтинча ташкил қилинган “Хаттотлик ва унинг фалсафаси” кўргазмасидир. Мазкур экспозиция Арк қалъасининг Субхонқулихон томонидан барпо этилган жомеъ масжидида жойлашган бўлиб, ундан Бухоронинг хаттотлик тарихи билан боғлиқ бўлган бир қанча экспонатлар ўрин олган.

Аждодларимиз томонидан китобларни йиғиш ва сақлаш масаласи алоҳида эҳтиром билан қадимдан шаклланган. Китоблар ўз даврининг маърифатли, зиёли, олим аждодлар

меросини хурмат қиладиган кишиларнинг кўлларида сақланган. Муқаддас китоб бўлмиш Куръон ҳар бир мусулмоннинг уйида алоҳида тоқчаларда, меҳроблар ичида, махсус сумкачаларда уйларнинг юқорида жойларида сақланган. Уларни доимо ўқиш эса хонадон эгалари учун хосиятли ва фарзли ҳисобланган

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта Осиёдаги бешта йирик хаттотлик мактабларидан бири – Бухоро мактаби Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида XVI асрда вужудга келди. Ушбу мактаб вакиллари – хаттотлар яратган санъат асарлари бугунги кунда дунёнинг турли музейлари ва кутубхоналарида сақланади. Бухоро музейининг қўлёзмалар фондида ҳам кўплаб хаттотларнинг иш намуналари – қитъа, муффридот, миниатюралар сақланиб қолган. Хаттот Мир Али Хиравий Фатхободийнинг 1545-54-йиллардаги қитъаси бизгача етиб келган. [7:86] У ўз трактатларида хаттотларни шахсий ижод малакаларини қўллаган ҳолда ўрганиш жараёнида хаттот ҳақиқий хуснихатга эга бўлиши учун олдинги усталарнинг ютуқларидан фойдаланиши кераклигини уқтирган, кўр-кўрона кўчириб қўймаслиги учун хаттотларни шунга ундаган.

Худо ҳақки ки, унинг қудрати олдида
ҳар қандай қийинчилик осондир.

Ки, Сенинг хизматинг фироқи

Тириклигу ўлим бир хилдир (яъни
фарқсиздир) [6:4]

Ушбу қитъа ҳам ўзига хос яратилиш тарихига эга: Мир Али Хиравий умрининг охириги йилларида ўз юрти Ҳиротдан узоқда, Бухорода яшаганлиги боис юртига нисбатан соғинч билан айтилган қалб изҳорлари (соғинчлари) ушбу қитъада акс этган. [9:36] Яна бир қитъада унинг Бухородаги ҳолини, яъни, ватандан айрилиқда яшаш нечоғлик азоб эканлигини ва унинг соғинч дил изҳорларини кейинги даврдаги хаттотлар қалами ила матнларда акс этганини гувоҳи бўламыз:

Масалан: Менинг хатим шу равиш-қоидага келгунча умрим бўйи машқ қилиб, қаддим чангдек эгилди. Мени дунёдаги барча шоҳлар истасалар ҳам Бухорода тириклик учун жигарим қон бўлди. [4:54]

XVI аср бошларида Бухорода фаолият кўрсатган хаттотлардан бири Боязид Туронийдир. Унинг номи Бухорода 1514 йилда қурилган Масжиди Калон меҳробнинг ён томонидаги безаклар орасида битилган.

Саййид Нафас - XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг биринчи ярмида ижод этган бухоролик йирик хаттот. У Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонини 1839–1840-йилларда алоҳида кўчириб, китобат қилган. Хаттот Абдулвоҳид (арабий тахаллуси - Сарий Балхий, 1810-1886) – Бухоро амирлигида сарой шоири ва тилшунос ҳам бўлган. Амир Музаффархоннинг «Мақолаи истиқбол» асари, Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий ёзган Нақшбандий шайхларининг таржимаи ҳоли ва панд-насихатларига оид «Рашахот айн ул-ҳаёт» асарининг Абдулвоҳид қўли билан кўчирилган нусхалари бор. Ҳозирда ЎзФА Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фондида хаттотнинг Ўрта Осиё маданияти ва тарихига оид ўндан ортиқ хат ва асарлари сақланмоқда.

XIX аср Бухоро хаттотчилиги санъатига салмоқли ҳисса қўшган хаттотлардан бири бухоролик хаттот Абдулваҳҳоб Мирзо (1860-1870 йилларда Китоб шахрида вафот этган) бўлиб, араб ва форс тилларидаги 100 га яқин қўлёзмаларни ва настаълиқ (шикаста) хатида кўчирган. Хаттот кўчирган асарларидан баъзилари (Румийнинг “Маснавий”, Нозим Хиравийнинг «Юсуф ва Зулайхо» кабилар) ЎзФА Шарқшунослик Институти Қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Юқоридаги котиблар кўчирган қитъаларнинг умумий кўриниши очик мовий, улардаги оқ ранг устидан қора рангда ёзилган ёзувлар аниқ ажралиб туради. Бухорода юқори мазмун ва чиройли хатлар учун махсус абрибахор (абр - булут, яъни,

“баҳор булут”)дан фойдаланишган. Ушбу қоғознинг дастлабки намуналари Темурийлар даврига тегишли бўлиб, XIX асрга тааллуқли намуналари кўплаб сақланиб қолган. Ушбу қоғозни безашда тўртбурчак идишга дарахт елими ва турли ранглар тўқ рангдан оч рангга томон навбатма-навбат солиб борилади. Махсус тароқ ёки таёқча ёрдамида идиш устидаги суюқликка турли шакллар берилади. Кейин идиш юзаси қоғоз билан тўлиқ ёпилади. Қоғоз охисталик билан идиш юзасидан олинадиган ва ундаги суюқликлар оқиб тушиши учун маълум бир муддат осиб қўйилади. Шундан сўнг қоғоз соя жойда қуритилади, кейин уларга махсус таёқчалар ёрдамида турли гул ва миниатюралар ишланади. Моҳир усталаргина бир нақшни иккинчи маротаба такроран чиқара олишган.

Ҳар бир хаттот маълум бир ёзув турида мукамалликка эришган. Фақатгина санокли котиблар барча хатларда (ҳижозий, муҳаққак, мағрибий, куфи, ёкутий, тавқеъ, риқоъ, райҳоний, сулс, насх, таълиқ, настаълиқ, девоний...) китобат қила олишган. Юқоридагиларнинг асосан етти тури кенг тарқалган бўлиб, мазкур хат турлари хаттотлар тилида “*Ал-хутут ас-сабъа*”, яъни “етти хат” деб юритилади.

Ушбу хат турларининг ҳар бири махсус ўринларда қўлланилган. *Кўфий хати* нақшин безак ўрнида бинокорликда фойдаланилган, *наسخ хати* асосан китоб матнларини кўчиришда, Қуръони Карим матнларида, *сулс хати* ёдгорлик обидалар пештоқ ёзувлари ва лавҳаларда, *тавқеъ хати* имзода, *риқоъ хати* мактубларда ишлатилган. Бу етти хат услубининг ҳар бири ингичка – *хафий* ва йўғон – *жалий* қаламларда ёзилишига кўра, ўн тўрт хил хатни ташкил этади. Настаълиқ “наسخ” ва “таълиқ” атамаларининг бирикувидан ташкил топган. Мир Али Ҳиравий ҳамда Мир Али Табризий настаълиқ хатини кашф этганлар.

Бухоро миниатюра мактаби ҳам ўзига хос бўлиб, Камолиддин Бехзод миниатюра санъатини Пир Саид Аҳмад Табризийдан

ўрганган. У эса “умдат ул-мусаввирин” (мусаввирлар пешвоси) номи билан машҳур бухоролик Устод Жаҳонгирнинг шогирди бўлган. Устод Жаҳонгир эса темурийлар даври миниатюраси асосчиси устод Гунг(Соқов)дан таҳсил олган. [3:53]

XV асрга оид қўлёзмаларни ўрганар эканмиз, китобларда миниатюраларни учратиш ортганини ва бу санъатнинг ривожланганлигига гувоҳ бўламиз. [8:15] Кўргазмадан 4 та миниатюра ўрин олган бўлиб, уларнинг икkitаси илк маротаба намойиш қилинмоқда. Биринчи миниатюра (8-витрина) Саъдийнинг “Гулистон” асарига ишланган бўлиб, унда Хотамитойнинг 40 туяни қурбонлик қилиб, худойи-хайрия қилиш жараёни тасвирланган. Унда очиқ майдонда чодирлар тортиб, атрофдан ўтаётган йўловчи ва ўтинчиларни ҳам ўз дастурхонига чорламоқда. Ўтинчи билан бўлаётган суҳбат алоҳида юқори майдонда кўрсатилган бўлиб, бунда ўтинчининг Хотамитой дастурхонига меҳмон бўлиб, ундан муттаҳам бўлиб қолишдан ўзини сақлаши ҳақидаги ибратли жараён тасвирланган. [11:121] Асар турли жихатдан Бухоро мактабига хос. Миниатюралар орқа томонида турли қатъалар, мураккаботлар ёзилган бўлиб, улардан бирида куч билакда эмас, ғазабни боса билишда, яна бирида ҳақиқий бойлик пул билан эмас, нафси тўқлиги билан намоён бўлиши ҳақидаги ибратли сўзлар битилган.

Кейинги миниатюрада устоз олдига икки шогирднинг оёқяланг ҳолда келиш тасвирланган бўлиб, устоз ҳам шогирдлар ҳам оддий ортиқча ҳашамсиз, дарвешона қиёфа акс эттирган. Миниатюра услуб жиҳатдан ҳинд мактабига хосликни намоён этади. Миниатюра орқасига “Истиғфор” калимаси: “Астағфируллоҳа, астағфируллоҳа, астағфируллоҳа таъалаи мин кулли занбин азнабтуху амдан ав хотоан ав сирран ав алониятан ва атувбу илаҳи миназ- занбиллази аъламу ва атувбу илаҳи миназ занбиллази Ла аъламу иннака Анта алламул ғуёуб” битилган.

Кейинги икки миниатюралардан биринчиси “сиё қалам” ёки монохрон услубида бўлиб, қора рангда тасвирлар ишланган. Жанг манзарасини акс эттирган ушбу миниатюрада икки бир-бирига қарши томоннинг уруши, бир томоннинг филлардан ҳам фойдаланиши тасвирланган. Миниатюра XVI-XVII асрларга хос бўлиб, унда тугалланмаган тасвирлар ҳам мавжуд. Иккинчи миниатюрага абрибахор қоғозидан хошия ишланган бўлиб, унда хикоялар туш кўринишида тасвирланган (12-витрина). Умуман олганда бу икки миниатюра ҳали кенг тадқиқотни талаб қилади. XVIII-XIX асрларда инсон тасвири оддийлашади, суратлар қўполлашиб, ранглар уйғунлиги йўқолади. Аста-секин миниатюра санъати таназзулга юз тутаети. Бунинг сабабларидан бири қўлзма ўрнини янги техника – тошбосма эгаллайди. [10:72]

Ислон дини тарқалган ҳудудларда араб алифбосига асосланган араб тили ҳам кенг тарқалади. Ҳар бир минтақада ёзув шакллари турлича шаклланади. Ислон шарқида юқорида саналган хат турлари, Миср, Марокашдан Кордовагача бўлган ҳудудлари учун “хати мағрибий”, “хати муҳаққак”, “хати мақалий” кенг тарқалган. Шулардан бири “ёкутий” хатида битилган Қуръони Каримнинг “Моиди” – “Дастурхон” сураси. Хаттотлар орасида, шунингдек, “Бисмиллох” калимасини турли услубда ёзиш ҳам одат бўлган. (9-витрина).

Аждодларимиздан бизгача етиб келган турли одат ва анъаналар. котиблар орасида ҳам мавжуд бўлган. Ҳунармандлар турли мақсадларда мушқули осон бўлиши учун, фарзанд умидида, ёинки ўз ишининг устаси бўлганлигини кўрсатиш мақсадларида ўз ишларининг мукаммалини махсус “Салтанати Олия” учун тайёрлаганлар. Хаттотлар орасида ҳам шундай одат бўлган. Улардан бири Туркияда вужудга келган “Мусанна” – “иккилантириш” услубида кўчирилган. Қитъа “туғро” хатида битилган бўлиб, 1309/1892 йилда Бухорода ёзилган. Унда “Наср” ва “Ихлос” суралари ҳамда ҳадис ёзилган.

Хаттотлик намуналари эсда қоларли бўлиши ва доимо хона интеръерининг бир қисмига айланиши учун моҳир хаттотлар уларга буюртмачининг тилақларини ёзиб беришган. Анъанага кўра, қитъа, чорбайт (тўртлик), рубойи, ғазал, насиҳатомуз шеърлар асосан жалий қаламда абри баҳор қоғозиди тўрт қатор ёки ундан кўпроқ қилиб, атрофлари бир неча хил гуллар, тилла сувли нақшлар билан безатилиб ёзилган ва мураққа (альбом) ҳолида сақланган ёки шишали чорчўп (рамка) ларда меҳмонхона деворига илиб қўйилган. Бу қитъалар бир неча юз тилла танга нархида баҳоланган. Баъзи қитъаларнинг олд ёки орқа томони миниатюра, атиргул, рангли безаклар билан безатилган.

Қоғоз тайёрлашда хом ашё сифатида каноп толасидан фойдаланилган. Қоғоз ишлаб чиқариш жараёни қийин ва кўп вақтни, кучни талаб қиладиган касблардан бири бўлиб, ишни бошлашдан аввал хом ашёни яхшилаб сув билан ҳаракатлантирилган асбоб ёрдамида эзиб майдалашган. Ҳосил бўлган массани ювиб, қисиб олиб, унга тенг миқдорда ишқор ва оҳак кўшишган. Кейин бу аралашмани қуришиб, яна янчишган. Бу жараён бир неча марта такрорланган, кейин қоғоз қуйиш жараёни бошланган. Қоғоз қуйиш формаси панжара ва майин тўрдан иборат: панжара тут дарахтининг майин танасидан таркиб топган ва бир бирига параллел жойлаштирилиб, от сочининг толалари билан боғланган. Варақни қуйиш вақтида панжара устига тўрни қўйиб, массага чўктирилган. Қуритилган қоғоз варақларини ажратиб олиб, махсус пичок билан кесиб олинган. Ялтиратиш учун эса қоғознинг икки томонидан буғдой унидан тайёрланган крахмал елим билан қопланган. Қуригандан кейин варақнинг 2 томони ўзига хос нок дарахтидан қилинган тахтачадаги ўйик чуқурчалар ёрдамида пардоз берилган. Қўлзмалар учун тайёрланган қоғозлар ҳар хил рангларга бўялган. Бундай қоғозлар рангларининг тайёрланиш усули қийин ва турли хил бўлган. Лекин бу рангли қоғоз

қоида бўйича бадиий безатилган қўлёмаларда ишлатилган. Оддий қўлёмалар асосан қалин кулранг қоғозларда ёзилган. Ёзув қуроли - қалам (қамишдан қилинган) ва қора сиёҳдан фойдаланишган. Бу қора сиёҳ курумдан ва сиёҳ ёнғоғидан тайёрлашган. Хаттотликда яхши ҳолатда сақланадиган сиёҳларни тайёрлаш усули жуда мураккаб бўлган ва кўп таркибий қисмдан ташкил топган. Яхши, сифатли сиёҳларни пухталиқ ва диққат билан тайёрлашган. Масалан, Бухорода фақат битта машҳур сиёҳ тайёрлаш усулидан фойдаланган мутахассислар кам бўлган. Хаттотликда турли қоғозлардан фойдаланишган. [13:35] Жумладан, “қоғози хом”, “қоғози машқи”, “қоғози абри”, “қоғози мирзои”, “қоғози нахуди” каби қоғоз турлари бўлиб, улар турли хаттотлик намуналарида истефода қилинган. [12:122] Кўргазмадан шунингдек, хаттотлар томонидан тайёрланган жузгир, мистар, хат ташувчи чўб – аризаҷўб, китоблар учун жилдлар ўрин олган.

Муқовалаш – китобнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, улар алоҳида тайёрланган. Ўрта Осиё муқовалаш санъати ўзининг қадимий анъанасига эга бўлиб, китоб муқовалари тарихнинг йирик билимдони А.А.Семеновнинг сўзларига қараганда жуда пишиқ ишланган ва Шарқнинг бирор жойида бундай моҳирона муқовалаш қилинмаган. Ўрта Осиёнинг китоб муқовалаш услуби шакли ва қилинган матоси жиҳатдан ҳар хил бўлган: теридан, турли хил дарахтдан, қуйма кумуш ва қоғоз бўтқасига гипс ва елим аралаштирилган қаттиқ моддадан тайёрланган. Тери муқоваларнинг 2 хили фарқланади: бутун тери, яъни, картон пўстлоқ билан ўралган, усти эса бутун тери бўлагидан иборат ва иккинчиси ярим тери муқовалардир. Ярим тери муқовалар Ўрта Осиёда кенг тарқалган усул бўлган, бундай муқовалашда китобларни ёпиштириш учун эшак терисидан фойдаланилган ва одатда ёзув варақларини ёпиштириш йўли билан амалга оширилган.

Картондан қилинган муқоваларни ёғли бўёқ ва лак билан бўяб, чиройли медальонлардек босма нақшлар солиб безатишган. Китобларни муқовалашнинг асосий марказлари Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Тошкент ва Хива шаҳарлари бўлган. Муқовалар ички қопламаси яхлит бўлса муқова ва китоб саҳифаларини мустаҳкам ушлаган. Муқовани ўртасидан бириктириб турган орқа қисмининг тепа ва пастида мустаҳкамловчи ва безак мақсадида тўқилган “шерозий” ҳам бўлган. [1:189]

Қўлёмаларнинг нархи унга сарф қилинган маҳсулотларнинг нархидан келиб чиққан (қоғоз, сиёҳ, бўёқ, тери, муқова учун картон, устанинг тер тўккан меҳнати ҳисобга олинган). Бозордаги вазият ва талаб ҳам бунга катта таъсир кўрсатган. Бозорда эркин муомалада бўлган қўлёмалар китобларнинг нархига ҳаммага маълум турли хил омиллар таъсир кўрсатган: ижод маҳсулининг камёблиги, қадимийлиги, қўлёманинг сақланиши ва ёзувнинг номи, “Қалам ва қилич” нишонасининг борлиги таъсир кўрсатган. Моҳир хаттотларнинг ишлари бир неча ўн тилло тангага баҳоланган.

Қитъалар ҳар томонлама қизиқарли бўлган: хаттотлик санъатини юксалтириш билан бир қаторда, у ахлоқий характерга эга, муҳаббатга бағишланган шеърят ва эркин фикрга эга бўлган чақириқдан иборат бўлган. Шунингдек, кўплаб қитъаларда давр маънавий ҳаётдан келиб чиқиб тасаввуфий ва фалсафий мазмундаги байтлар ҳам битилган. Кўргазмадаги “куфий баннойи” услубида ёзилган қитъа томошабинларга бу деворий безакнинг бошқа девордаги ёзув ва шаклларга уйғун холда тасаввур қилиш ва умумий манзарани кўриш имкониятини таъминлаган. Ундан пастдаги икки зарҳал қитъалар ҳам худди шундай деворларни ёки тоқчаларни безаб турган ҳамда уларда оятлардан қисқа ва ибратли ҳикояларгача ёзилган.

Сура, қитъа ва бошқа мазмундаги хатларни янада мазмунан бойитиш мақсадида уларни турли миниатюралар билан безатишган.


Ёки тескариси, ажойиб миниатюралар турли ёдномалар билан тўлдирилган. Бунда асосан XIX асрга келиб литография услубидаги миниатюралар танланган. Миниатюраларга Макка, Мадина шаҳарлари тархи, Масжид ал-Харам, Каъба тасвири акс этган. [2:60] Хаттотлик билан нафақат китобат билан шуғулланадиган котиблар, балки, косиблар ҳам шуғулланишган. Турли металл буюмлардан оддий ёғочгача эсдаликлар туширилган. Бундай буюмлар, асосан махсус буюртма учун масжидларга вақф қилиб берилган. Шунингдек, Қуръон оятлари туширилган тақинчоқлар юқори қийматга баҳоланган ва харидоргир бўлган. Бу моҳир косиб-котибларнинг маҳоратларидан далолатдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, хаттотлик санъати нафақат хати, балки, барча элементлари билан мукаммал ҳисобланган. Унинг ёзуви, мазмуни, қоғози, миниатюраси, чорчўпи ва бошқа-бошқалар ушбу санъатнинг кенг тарқалишига замин яратган. Уларда берилган мазмун ва фалсафа эса инсонларга доим ибрат бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Бухоро музейи хаттотлик намуналарини сақлаб қолиш ва тарғиб қилишда жадал ишларни олиб бормоқда.



1-расм. Кўргазмадаги экспонатлар



2-расм Мир Али Ҳиравий қитъаси

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Islamic Bookbinding. –Malaysia, 2017. – P. 189.
2. The Islamic world a history in objects. – London-China, 2018. – P. 60.
3. Ахмедов А. Бухоро музейидаги қадимги қўлёзма дурдоналар. – Бухоро, 2017. – Б. 53.
4. Ахмедов А. Бухоро хаттотлик намуналарида матн ва маъно уйғунлиги. – Бухоро, 2022. – Б. 53-54.
5. Ахмедов А., Равшанов Ў. Муқаддас китоб талқини. –Бухоро, 2018. – Б. 7.
6. Болтаев А., Авезова Ш. Бухоро хаттотчилиги намуналари. –Бухоро, 2011.
7. Джураев Ш.Г. Формирование коллекции научных рукописей Бухарского музея. // Проблемы Востоковедения. 3 (97) /2022. – С. 85-91
8. Иранские миниатюры. –Москва-Ленинград, 1935. – С. 15.
9. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1970.
10. Полякова Е., Рахомова З. Шарқ миниатюраси ва адабиёти. Т., 1987. – Б. 72.
11. Пугаченкова Г., Галеркина О. Миниатюры Средней Азии. –М., 1979. – С. 121.
12. Ражабов А. Аҳмад Махдуми Дониш – хаторо, китоборо ва мусаввир. – Душанбе, 2020. – С. 122.
13. Шарқ миниатюра мактаблари. – Т., 1989. – Б. 35.